

Нух алайҳиссалом



11:20 / 27.01.2019 5123

Нух алайҳиссаломнинг даъватлари

Нух алайҳиссалом амри илоҳийни бажаришга, ўз қавмларини Аллоҳ таолонинг динига даъват қилишга киришдилар. У зот қавмларини Аллоҳнинг динига даъват қилишда барча имкониятларни ишга солдилар.

Аввал махфий, кейинроқ ошкора, охирида ҳам ошкора, ҳам махфий даъват қилдилар. Шу билан бирга, уларни қизиқтириш учун диндорликдан бу дунёнинг ўзидаёқ келадиган фойдаларни ҳам зикр қилдилар. Аммо саркаш қавм ўз пайғамбарининг даъватини қабул қилмади, турли нобакорликларда давом этди.

Нух алайҳиссаломнинг ҳасратлари

Шунда Нух алайҳиссалом ўз ишларини, дарду ҳасратларини тўкиб солдилар.

Аллоҳ таоло Нух сурасида марҳамат қилади:

«Нух деди: «Роббим, улар менга исён қилдилар ва моли, болачақаси зиёндан бошқани зиёда қилмаганга эргашдилар ва ниҳоятда катта макр қилдилар. Улар: «Илоҳларингизни ҳеч тарк қилманглар ва Ваддни ҳам, Сувоъни ҳам, Яғусни ҳам, Якуни ҳам, Насрни ҳам тарк қилманг», дедилар» (21-23-оятлар).

Ривоятларда келишича, Вадд, Сувоъ, Яғус, Яуқ ва Насрлар солиҳ, тақводор кишилар бўлишган. Одамлар уларни ниҳоятда яхши кўриб, ҳурмат қилишган. Вақти-соати етиб, улар вафот этиб кетишгач, одамлар шайтон васвасасига учиб, уларнинг суратларини чизишган, сўнг ҳайкалларини ясаб олишган. Улар зиёрат қилинган ва аста-секин уларга дарду ҳасратлар айтиладиган бўлган. Оқибатда вақт ўтиб уларга илоҳ деб қаралган ва ибодат қилинган.

Нух алайҳиссаломнинг дуолари

Умид узилгандан кейин Нух алайҳиссалом ўзларининг машҳур дуоларини қилдилар:

«Дарҳақиқат, улар кўпларни адаштирдилар. Сен золимларга залолатдан бошқани зиёда қилма» (Нух сураси, 24-оят).

Нух алайҳиссаломнинг дуолари қабул бўлди. Аллоҳ таоло кофирларни битта ҳам қўймай ҳалок қилди, чунки улар инсоният баданига тушган қорасон касали каби эдики, уларни кесиб ташламаса бўлмасди.

Саркаш қавм ила тортишув

Мазкур ҳолат Нух алайҳиссаломнинг саркаш қавмга қилган даъватларининг содда бир кўриниши, холос. Аслида у зот узоқ вақт турли шароитларда даъват олиб борганлар.

Бу ҳақда имом Жалолиддин Суютий «Ад-Дуррул мансур фит-тафсир бил маъсур» китобида Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломни қирқ ёшида пайғамбар қилиб юборди. У ўз қавмини эллик йил кам минг йил Аллоҳга даъват қилди. У тўфондан кейин олтмиш йил яшади. Одамлар кўпайиб, кенг дунё торлик қилди».

Бир одамнинг минг йилдан ортиқ ҳаёт кечиргани кўпларга ғалати туюлиши мумкин. Лекин бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Қуръони Каримда келган хабарни инкор қилган одам кофир бўлади. Айни чоқда, бу ҳол ақл тарозисида тортса бўладиган оддий бир иш. Қадимги кишилар узоқ умр кечиргани ҳаммага маълум. Бунинг устига, оз сонли жонзотларнинг умри узун, адади кўпларники қисқа бўлиши ҳам тажрибада кўрилган. Нух алайҳиссалом инсоният тўфон туфайли қирилиб кетган бир даврда яшаганлари эътиборга олинса, бундай узоқ умр кўриш оддий бир

ҳол экани билинади.

Нух алайҳиссалом турли йўллар билан тўққиз юз эллик йил даъват қилсалар ҳам, озгина қавмдан бошқалар иймонга келмади. Бундай ҳолда кўплар синовга дош бера олмай, қайтиб кетиши ҳам мумкин. Аммо ҳақиқий иймон соҳиблари ўз иймонларидан қайтмайдилар. Нух алайҳиссаломнинг даврларида ҳам шундай бўлди. Нух алайҳиссалом ва у зотга иймон келтирганлар иймонларида собит қолдилар.

Охирги дуойи бад

Кофирлар эса шунча йиллар ўтса ҳам, иймонга келишмади. Уларнинг иймонга келишларига ҳеч қандай умид ҳам қолмади.

Нух алайҳиссалом қавмининг ўтакетган саркашлиги, залолатга маҳкам ёпишиб олгани ҳамда уларга ваъз-насихат таъсир қилмаслигини англаб етгач, Аллоҳ таолога нидо қилдилар:

«Роббим! Қавмим мени ёлғончига чиқаришди. Ўзинг мен билан уларнинг орамизни яхшилаб очгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин» (*Шуаро сураси, 117-118-оятлар*).

Кема яшашга амр бўлди

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломнинг дуоларини қабул қилди.

«...ва Нухга ваҳий қилдикки: «Қавмингдан иймон келтирганлардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмас ва уларнинг қилмишларидан қайғуга тушмагин. Бизнинг риоятимиз ва ваҳийимиз ила кема ясагин ҳамда зулм қилганлар тўғрисида Менга гап очмагин, албатта, улар фарқ қилинувчилардир» (*Худ сураси, 36-37-оятлар*).

Нух алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг амрига биноан улкан кема ясадилар.

Тўфон яқинлашди

Мана, ўша ваъда қилинган вақт ҳам келди:

«Ниҳоят, амримиз келиб, таннур фаввора отганда, «Унга (кемага) ҳар бир (тур)дан бир жуфтдан ва аввал у ҳақда сўз кетган кимсадан бошқа аҳлингни ва иймон келтирганларни ҳам ол», дедик. У билан бирга иймон келтирганлар жуда оз эди» (*Худ сураси, 40-оят*).

Тўфон даҳшатли тус олиб келарди. Нуҳ алайҳиссалом ва шериклари нажот кемасига минганларидан сўнг кема уларни тоғлардек бўлиб мавж ураётган тўлқинлар устида олиб кета бошлади.

Аллоҳнинг азоби келгандан кейин кофирларнинг бирортасини ҳеч ким, ҳеч нарса қутқара олмади. Фақат Аллоҳ Ўзи раҳм қилган бандаларини нажот кемасида қутқариб қолди.

Вақти-соати етиб, тўфон тинчиди. Дунёни сукунат чулғади.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, нажот кемасида Нуҳ алайҳиссалом билан бирга саксон киши ўз оилалари билан бўлган. Улар кемада бир юз эллик кун қолганлар.

Нуҳ алайҳиссалом мустақил шариат ила келган биринчи расул-пайғамбар бўлдилар.

Нуҳ алайҳиссалом ширкдан огоҳлантирган биринчи пайғамбар бўлдилар.

Нуҳ алайҳиссалом «пайғамбарларнинг шайхи» номини олдилар.

Нуҳ алайҳиссалом энг кўп умр кўрган инсон ва пайғамбардирлар.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, у зот Маккаи мукаррамада Масжидул Ҳаромнинг яқинига дафн қилинганлар.

Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғилларидан бири бўлмиш Сом ва унинг фарзандлари Арабистон яримороли томонга юрдилар. Ҳомнинг ўғиллари жануб тарафга – Ироқ томон юрдилар ва ўша ерларнинг атрофларига жойлашдилар. Нуҳ алайҳиссаломнинг Ёфас исми ўғиллари ва унинг зурриёти шарқ томонга, бир қисми эса ғарб томонга ҳаракатланишди. Бошқалар эса турли тарафларга тарқалиб кетди.

«Ислом тарихи» китобидан